

2002 ҳадис / «АЛИФ» ҳарфи / 927-ҳадис

* كَانَ إِذَا وَدَّعَ رَجُلًا أَحَذَّ بِيَدِهِ فَلَا يَدْعُهَا حَتَّى يَكُونَ الرَّجُلُ هُوَ الَّذِي يَدْعُ يَدَهُ، فَيَقُولُ: أَسْتَوْدِعُ
اللَّهَ دِينَكَ، وَأَمَانَتَكَ، وَحَوَاتِيمَ عَمَلِكَ.

(رواه النسائي عن ابن عمر)

Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) бирор киши билан хайрлашиб кузатиб қўймоқчи бўлсалар, ўша кишининг қўлини ушлаб, токи у қўлини қўйиб юбормагунча қўйиб юбормай турар ва: «Аставдиъуллоҳа дийнака ва аманатака ва ховатийма ғамалика» (Дининг, омонатинг ва амалингнинг хотимасини Аллоҳга топширдим), деб айтардилар.

Ибн Умар (розияллоҳу анҳумо)дан. Насоий ривояти.

Манба: hadis.islom.uz

